


## Ажойиб ечим



08:00 / 19.09.2020 3709

Муҳаммад ибн Ҳасандан ривоят қилинади: «Ўғрилар бир кишининг уйига кириб, қимматбаҳо нарсаларини олишди, чиқиб кетаётиб, уй эгасига «Бирон кишига айтсам, хотиним уч талоқ бўлсин» деб қасам ичиришди. У ҳар кун бозорда ўзининг буюмлари сотилаётганини кўриб, ичи эзилар, лекин ичган қасами туфайли ҳеч кимга бу ҳақда айта олмасди. Ниҳоят, у мол аччиғида Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан маслаҳат сўради. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ «Маҳаллангнинг имоми билан муаззинини чақириб кел», дедилар. Улар келгач, «Аллоҳ бу кишига буюмларини қайтаришини истайсизларми?» деб сўрадилар. Улар: «Ҳа», деб жавоб беришди. «Ундай бўлса, ўзингиз билган ўғрию муттаҳамларни масжид ёки бирор ҳовлига тўплаб, битта-битта чақирасизлар. Ҳар бирини бу кишига кўрсатиб, «Мана бу ўғримми?» дейсизлар. Ўша кунги ўғрилар бўлмаса, «Йўқ, булар эмас» дейсиз, ўшалар бўлса, индамайсиз. Бу киши индамаган одамни ушлайсизлар» деб, масалани ечиб бердилар. Ўғрилар ушланди, бу киши уларнинг ўғри эканини айтмади, шунинг учун талоқ тушмади. Ўғирланган нарсалар эгасига қайтариб берилди.

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**